

**МАВЗУ: ФАННИНГ АСОСИЙ  
ТУШУНЧАЛАРИ. “ИНСОН-МАШИНА-  
ИШЛАБ ЧИҚАРИШ МУХИТИ” ТИЗИМИ**

## Режа:

1. Фан бўйича асосий тушунчалар ва таърифларнинг аҳамияти.
2. Фан бўйича қўлланиладиган асосий тушунчалар ва таърифлар.

## Фан бўйича асосий тушунчалар ва таърифларнинг аҳамияти

- „Меҳнат муҳофазасининг маҳсус курси” фанининг ҳам ўз тушунчалари ва таърифлари мавжуд.
- Бу тушунча ва таърифларни билиш, уларнинг моҳиятини чукур англаш фанни ўзлаштиришда катта аҳамиятга эга.

## МЕҲНАТ ШАРОИТИ

Меҳнат жараёнида инсон саломатлиги ва ишлаш қобилиятига таъсир қилувчи ишлаб чиқариш мұхити омилларининг мажмуудир.

## ЗАРАРЛИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ОМИЛИ

Бу шундай омилки, маълум бир шарт – шароитда, унинг таъсири натижасида ишловчининг иш қобилияти секинлик пасаяди ёки касалланишга олиб келади. (Газ, чанг, буғ, шовқин, титраш ва ҳ.к.)

## ХАВФЛИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ОМИЛИ

Бу шундай омилки, маълум бир шарт – шароитда унинг таъсири натижасида ишловчининг соғлиқи бирданига ёмонлашади ёки жарохатланади. (Электр токи, заҳарли моддалар, радиация ва ҳ.к.)

## ЗАРАРЛИ МОДДА

Бу шундай моддаки, одам организмига таъсири натижасида у ишлаб чиқариш жароҳатланиши, касбий касалланиш ёки соғлиқда салбий ўзгаришлар келтириб чиқариши мумкин (ишловчининг ўзида ёки унинг авлодларида).

## КАСБИЙ КАСАЛЛИК

Бу шундай касалликки, у заарли ишлаб чиқариш омилларининг таъсири натижасида юзага келади. (Хроник бронхит, титраш, асаб касалликлари ва ҳ.к.).

## ЭЛЕКТР ХАВФСИЗЛИГИ

Одамларни электр токи, электр ёйи, электромагнит майдонининг зарарли ҳамда хавфли таъсиридан муҳофаза қилишни таъминлайдиган ташкилий ва техник чоратадбирлар тизими.

## **ЖАРОҲАТЛАНИШ (ШИКАСТЛАНИШ)**

**Ишлаб чиқаришдаги заарли ёки хавфли таъсиrlар натижасида инсон тери қоплами ёки органлари физиологик бир бутунлигининг бузилиши.**

## **ИШЛАБ ЧИҚАРИШ САНИТАРИЯСИ**

**Ишловчиларга заарли ишлаб чиқариш омилларининг таъсирини камайтириш ёки олдини олишнинг ташкилий тадбирлари ва техник воситалари тизими.**

## **ТЕХНИКА ХАВФСИЗЛИГИ**

**Ишловчиларга хавфли ишлаб чиқариш омилларининг таъсирини бартараф қилишнинг ташкилий тадбирлари ва техник воситалари тизими.**

“Инсон-машина-  
ишлаб чиқариш  
муҳити” тизимининг  
асосий мақсади

Операторнинг  
жароҳатланишини ва касб  
касалланишини бартараф  
этиш, ҳамда иш  
самарадорлигини ошириш  
учун тизимнинг ишлашини  
юқори даражада  
таъминлашдир

## Ишлаб чиқаришда юзага келадиган тизимлар турлари

→ “Инсон-машина - ишлаб чиқарыш мұхити” - мәхнат предмети ёрдамида ташқы мұхит таъсири остида ишчи билан амалға ошадиган мәхнат жараёнидір

→ “Инсон-машина” тизими - шундай тизим тушуниладыки, у, одам-оператор ва машина йиғиндисидан ташкил топған мәхнат жараёнидір

→ “Инсон- ишлаб чиқариш мұхити” шундай тизим тушуниладыки, у, одам-оператор ва ишлаб чиқариш мұхити омиллари йиғиндисидан ташкил топған мәхнат жараёнидір


# Тизим бузлишининг салбий окибатлари

инсон учун тизим юзага келтирадиган  
салбий оқибат унинг томонидан  
олинадиган жароҳатланиш шаклида

машина учун эса авария ҳолатида  
бузилишлар шаклида

муҳит учун эса унинг  
параметрларининг ўзгариши шаклида  
юзага чиқиши мумкин

# «Инсон-машина-машлаб чиқарыш мұхити» тизими



## **Назорат саволлари**

- 1. “Меҳнат мухофазаси” нима?**
- 2. ММ фани ўрганадиган муаммолар нималардан иборат?**
- 3. ММ фани қанақа фанлар билан узвий боғланган?**
- 4. ММфанининг мақсади ва вазифалари нималардан иборат?**
- 5. ММ фанининг қанақа асосий тушунча ва таърифларини биласиз?**